XALQ DEPUTATLARI KOSON TUMAN KENGASHI
Q A R O R I

2021 - yil 9 - avgust VI-36-30-4-60-K/21 Koson tuman hokimligi

Маҳаллани бўлиш ва янги маҳалла ташкил этиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 4 мартдаги “Шаҳарлар, посёлкалар, қишлоқлар ва овулларнинг маҳаллаларини тузиш, бирлаштириш, бўлиш ва тугатиш, шунингдек уларнинг чегараларини белгилаш ва ўзгартириш, уларга ном бериш ва уларнинг номини ўзгартириш тартиби тўғрисида”ги Низомини тасдиқлаш ҳақидаги 48-сонли қарори, Косон туман ҳокимининг 2020 йил 08 сентабрдаги Б-69/01-сонли ўтказилган йиғилиш баённомаси таклифини кўриб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси “Маҳаллий давлат ҳокимяти тўғрисида”ги Қонунининг 6-моддасига асосан Ҳалқ депутатлари туман Кенгаши:

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Туман ҳокимининг 2020 йил 08 сентабрдаги Косон туманидаги Нартичуқур фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органи негизида фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органи ташкил этиш тўғрисида“ги № Б-69/01-сонли йиғилиш баёни маъқуллансин.

2. Тумандаги бўлинадиган ва янги тузиладиган фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари номи 1-иловага мувофиқ;

- тумандаги бўлинадиган ва янги ташкил этиладиган фуқароларни ўзини-ўзи бошқариш органларининг ер майдони ва чегаралари 2-иловага мувофиқ;

- тумандаги бўлинадиган ва янги ташкил этиладиган фуқароларни ўзини-ўзи бошқариш органининг чегаралари ва аҳоли сони 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Туман статистика бўлими (Х.Абдуллаев), туман ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри давлат корхонаси (С.Жўраев), туман қурилиш бўлими бошлиғи вазифасини бажарувчи (С.Юсупов) ва бошқа тегишли мутасадди давлат органлари билан биргаликда, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларини давлат рўйхатидан ўтказиш ва электрон базани шакллантириш, иш юритиш хужжатларига ўзгартиришлар киритиш билан боғлиқ барча тадбирларни амалга оширсинлар.

4. Туман ички ишлар бўлими (И.Қутлимуратов) мазкур қарор билан янги тузилган фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органи ҳудудида яшовчи аҳолининг фуқаролик паспортларига, мазкур ҳудуд акс эттирилган йўл белгиларига тегишли ўзгартиришлар киритиш ишларини ташкилий равишда амалга оширсин.

5. Туман қурилиш бўлими бошлиғи вазифасини бажарувчи (С.Юсупов)га, туманда янги тузилган фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органига янги ном ёзилган кўрсатгич ва белгилар, пешлавҳаларни замонавий дизайн асосида ўрнатиш топширилсин.

6. Ушбу қарор расман эълон қилингандан сўнг кучга киради.

7. Мазкур қарорнинг ижроси доимий комиссия раислари зиммасига юклатилсин.

Кенгаш раиси **А.Бойкараев**

Халқ депутатлари Косон туман
кенгашининг
2021 йил 9 августдаги
VI-36-30-4-60-K/21-сон қарорига
1-илова

Бўлинаётган Нартичуқур МФЙнинг таклиф этиладиган янги номи ва жойлашиши тўғрисида

№	Бўлинадиган МФЙ номи	Бўлинган МФЙ номи	Янги ташкил этилган МФЙ номи
1.	Нартичуқур МФЙ	Нартичуқур МФЙ	Ширинобод фуқаролар ўзини-ўзи бошқариш органи

Халқ депутатлари Косон туман
кенгашининг
2021 йил 9 августдаги
VI-36-30-4-60-K/21-сон қарорига
2-илова

Бўлинаётган Нартичуқур МФЙнинг таклиф этиладиган янги номи ва жойлашиши тўғрисида

№	Бўлинадиган МФЙ жами аҳоли сони	Бўлинган МФЙга қолган аҳоли сони	Янги ташкил этилган ФЎЎБО аҳоли сони
1.	169.9 га	89.6 га	80.3 га

Бўлинадиган ва янги ташкил этиладиган фуқароларни ўзини-ўзи бошқариш органларининг чегаралари

№	Бўлинадиган Нартичуқур маҳалла фуқаролар йиғинининг чегаралари	Бўлинадиган Нартичуқур маҳалла фуқаролар йиғинининг чегаралари	Янги ташкил этилган Ширинобод ўзини-ўзи бошқариш органи чегаралари
1.	Лолазор МФЙ Арабхона МФЙ Муғжагул МФЙ Сарипул МФЙ Навбахор МФЙ	Нартибаланд МФЙ Лолазор МФЙ Арабхона МФЙ Ширинобод МФЙ Навбахор МФЙ Сарипул МФЙ	Сарипул МФЙ Муғжагул МФЙ Нартичуқур МФЙ Нартичуқур МФЙ

Халқ депутатлари Косон туман
кенгашининг
2021 йил 9 августдаги
VI-36-30-4-60-K/21-сон қарорига
3-илова

Бўлинаётган ва янги ташкил этилаётган ФЎЎБОнинг аҳоли сони тўғрисида

№	Бўлинадиган Нартичуқур МФЙ жами ахоли сони	Бўлинган Нартичуқур МФЙга қолган ахоли сони	Янги ташкил топган Ширинобод ФЎЎБО ахоли сони
1.	7743	4043	3700